

Жиззах вилояти автомобил йўллари бош бошкармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи ташкилот директори вазифасини бажарувчиси **Х.Рахматов** ва **Зарбдор туман йўллардан фойдаланиш корхонаси** (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона директори **М.Каюмов** мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган умумфойдаланувдаги халқаро аҳамиятга эга бўлган куйидаги автомобиль йўларида **сақлаш ишларини** бажариш мажбуриятини олади:

- 1) М-39 "Алмати-Бишкек-Тошкент-Шахрисабз-Термиз" автомобил йўли автойўли узунлиги 38 км,
- 2) А-376 "Қўқон-Жиззах" а/йўли узунлиги 6 км

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг машина-механизмлардан, ўзининг асбоб-ускуналари билан бажаради.

1.4. Пудратчи томонидан ишларни бажариш куйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

Ишлар номи	Йўл узунлиги (км)	2022 йил (минг сумм)	1-чорак жами	шу жумладан		
				Январ	Феврал	Март
Сақлаш ишлари	44	247 091,0	247 091,0	82 363,0	82 364,0	82 364,0
Шу жумладан ҚҚС		32 229,261	32 229,261	10 743,087	10 743,087	10 743,087

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **247 091 000 (Икки юз қирқ етти миллион тўқсон бир минг) сўмни** ташкил қилади.

2.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш пудратчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи 10 (Ўн) банк куни давомида ҳар ойда пудратчига шартномада кўрсатилган режалаштирилган ойлик иш ҳажми 40% миқдорида аванс бериш йўли билан тўловларини амалга оширилади. Кейинчалик ҳисобот ойининг якуни билан шартнома назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилади аванс тўловлари ҳар ой чегириб ташланган ҳолда амалда бажарилган ишларга ойма-ой молиялаштирилади.

3.2. Мазкур шартнома ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш ишларини буюртмачи томонидан тасдиқланган сметаларга мувофиқ автомобиль йўлининг бутун узунлигида бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари бўйича мунтазам равишда амалга ошириш.

4.1.1.1. Ер кўтармаси ва сув кетказиш тизими бўйича:

ажратилган минтақани, йўл четларини, нишабликларни ва ажратувчи тасмаларни мунтазам равишда озода ва тартибли сақлаш, чиқиндилардан ва бегона буюмлардан тозалаш, текислаш;

кесилган қолдиқларни йиғиштириб олган ҳолда ўтларни ўриб олиш ва буталарни кесиш, ножоиз ўсимликларни қимёвий усул билан йўқ қилиш, йўл четларини чанг ва ифлосликлардан тозалаш;

сув кетказиш тизимини мунтазам равишда иш ҳолатида сақлаш, йўл четидаги ариқларни ва сув кетадиган зовурларни тозалаш ва қиялаб текислаш, уларнинг мустаҳкамланган жойлари нуксонларини тузатиш ёмғир канализацияси, дренаж қурилмалари, кўприк ва қувурларнинг сув қириш-чикиш ўзанлари, тез оқар сув ўтказгичлар ва сув тўширгичларнинг майда носозликларини бартараф этиш;

кўтарма ва ўймаларнинг нишабликлари носозликларини тузатиш ва текислаш (зарурият бўлса тупрок қўшган холда);

мустаҳкамланмаган йўл четларини киркиш, текислаш ва зичлаш, мустаҳкамланган йўл четларидаги бузилишлар ва шикастланишларни бартараф этиш;

белгиланмаган жойлардаги кириш ва чиқиш жойларини тугатиш, ёзги трактор йўлларини куриш ва киялаб текислаш;

табiiй муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирларини бажариш, автомобиль йўлларининг йўлолди тасмасини куриш ва белгилаш;

4.1.1.2. Йўл тўшамаси бўйича:

йўл копламасини чиқинди, чанг ва ифлосликлардан, кор, муздан мунтазам равишда тозалаш, бегона буюмларни йиғиштириш, кум ва сирпанчикка қарши аралашмалар сепиш йўли билан автомобиль йўлларининг қатнов қисми музгарчилиги ва сирпанчиклигини бартараф этиш, шунингдек битумнинг терлаши натижасида ҳосил бўлган сирпанчикликни бартараф этиш;

йўлларни чангсизлантириш;

кабарикли ва кучсиз тупрокли йўл участкаларига қараш (вактинчалик тўсиш ва ҳаракатни тартибга солиш, шчитлар, тахталар, шох-шаббалар ва бошқа материаллар билан ёпиш, шунингдек зарурияти бўлмаганда уларни йиғиштириб олиш);

локал карталар билан майда заррали юза катлам воситасида ёриқлар ва ёриқларнинг тўрлари кучайишининг олдини олиш ва уларни тўхтатиш;

цемент-бетон копламалар плиталарининг парчаланган ва синган жойларини юза емирилишлардан таъмирлаш;

шағалли, чақик тошли ва тупрокли копламаларнинг кесимини тўғрилаш;

4.1.1.3. Сунъий иншоотлар бўйича:

кўприк кўтармаси элементларини, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик қурилмалар элементларини, тахта зиналарни, таянчлар, қувурлар, тоннеллар ва бошқа иншоотларни чанг ва ифлосликдан тозалаш;

конуслар, нишабликлар, кўприкостини ўзанларни, шунингдек сув ўтказиш қувурларнинг ўзанларини ва қувурлар устидаги кўтармалар нишабини тозалаш (шу жумладан, ўсимликлардан тозалаш);

тошқин сувларини ўтказиб юбориш, кор ва музни йиғиштириб олиш, тозалаш иншоотларига қараш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль йўллари ва иншоотларини сув тошқинидан ҳимоя қилиш, тикилиб қолган жойларни тозалаш, тошқинга қарши тадбирлар;

таянчлар ва оралик қурилмаларнинг металл конструкциялари элементларини қисман бўйлаб, нуқсонли михпарчинларни алмаштириш, болтларни тортиш, металлдаги ёриқларни таъсир кўрсатмайдиган ҳолатга келтириш, тўсинларнинг темир-бетон плиталар билан бирлашадиган жойларини ва ферма боғламларини тиклаш;

тоннеллардан ҳавфсиз фойдаланиш учун локал участкаларда тоннелларнинг шикастланган копламаларини ва сув кетказиш новлари, гидроизоляция, вентиляция ва ёритиш тизими, ёнғинни ўчириш, аварияга қарши ва бошқа техник қурилмалар шикастланишларини бартараф этиш;

кўприк кўтармасининг барча элементларини ҳамда кўтарма билан тутшиб кетадиган зонани, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик қурилмаларни, таянчларни, конуслар ва бошқарувчи иншоотларни, бориш жойлари ва тахта зиналарни кор ва муздан тозалаш;

4.1.1.4. Автомобиль йўлларини жиҳозлаш ва ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича:

белгиларга қараш, шикастланган йўл белгиларини алмаштириш ва етишмаётганларини янгидан ўрнатиш;

автобус бекатларини, пиёдалар ўтиш жойлари, дам олиш майдончалари, йўл белгилари учун конструкциялар, тўсиклар, йўналтирувчи қурилмалар, шийпончалар ва уларнинг жиҳозлари элементлари, шунингдек шовқиндан ҳимоя қиладиган қурилмаларни бўйлаб ҳолда озода ва тартибли сақлаш, автомобиль йўлларини меъморий-бадий безашнинг шикастланган айрим элементларини тузатиш, ушбу элементларга керакли тарзда қараш, хожатхоналар, йўл-таъмирлаш пунктлари, йўл усталари уйлари тозалаш;

шийпончалар, ўриндиқлар, паннолар ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда бўйлаб ҳолда озода ва тартибли сақлаш, ичимлик сув манбалари ва артезан қудуқлар қазилар, уларни озода ва тартибли сақлаш;

ҳаракатни ҳисобга олиш пунктларини сақлаш, тиклаш ва янгидан қуриш, йўл конструкциясининг ва автомобиль йўли ишини ўрганиш учун зарур бўлган бошқа қурилмаларнинг, автомобиль йўлининг алоҳида элементлари ва иншоотларининг ҳолатини баҳолаш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг баланс қийматига киритилган тарозида тортишни назорат қилиш пунктларини, сув ўлчаш постларини, метеорологик пунктларни, об-ҳаво шароитлари ва ҳаракат шарт-шароитлари мониторинги тизимини, технологик ва сигнал берувчи-қакирувчи алокани, кабель тармоғини, шунингдек светофор объектларини, ҳаракатни ташкил этиш воситаларини, ҳаракатни диспетчер орқали ва автоматлаштирилган бошқариш воситаларини сақлаш;

хизмат қилиш муддатини ўтаб бўлган вертикал ва горизонтал йўл белгиларини, шу жумладан сунъий иншоотлар элементларидаги йўл белгиларини ўчириш, эскирганларини тиклаш ва янгидан қилиш;

йўл тўсиклари ва йўналтирувчи қурилмаларни тузатиш, автомобиль йўлини жиҳозлаш элементлари ва белгиларига қараш;

автобус бекатлари, павильонлар, йўлкалар ва дам олиш майдончаларини кор ва муздан доимий равишда тозалаш.

4.1.2. Ишларнинг натижасини ўз вақтида буюртмачига топшириш.

4.1.3. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 3 (Уч) кун ичида текинга бартараф этиш.

4.1.4. Техника ҳавфсизлиги, ёнғин ҳавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

4.1.5. Ишларни шахсан бажариш.

4.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларини тухтатиш, шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.3.1. Пудратчидан ойлик ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 3 (Уч) кун ичида ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

4.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

4.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

4.4.2. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб китобларидан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағ ва бошқа туловлар бўйича мажбуриятларни уз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиши ҳуқуқига эга.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи шартномада кўзда тутилган ҳар бир ойда бажарилиши керак бўлган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 2 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас қуч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган қучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва қелишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар қелишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилояти Иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий қучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг қелишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши,
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

- 8.4. Пудратчи кўйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.
8.5. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Яқуний қондалар

- 9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.
9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг қучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.
9.3. Шартномага ҳуқуқшунос ҳулосаси ва тулов жадвали илова қилинади.

10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Пудратчи»
Зарбдор ТЙФК

(иш бажарувчи номи)

Адрес: Зарбдор тумани Зарбдор шахри

Тел./факс _____

х/р _____ **22626000700385452001** _____

Банк номи **ТИФ Миллий банк Жиззах бўлими**

МФО 00121 ИНН 201356627 _____

ОКОНХ 61129 _____

Раҳбар _____

(имзо)

М.Қаюмов
(Ф.И.Ш)



«Пудратчи»

«БУЮРТМАЧИ»
Жиззах вилояти АЙББ

Манзил: Жиззах вилояти Жиззах шахри
Пахтакор 10

Тел./факс: 222-22 17

ш/х* 304510860084017045161118001

ИНН: 201988537

ОКОНХ: 97400

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Газначилиги

ЯҒХ: 23402000300100001010

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош
бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази
МФО: 00014

Жиззах вилоят газначилик бўлини маси
ИНН: 201122919

Раҳбар _____

Х.Раҳматов

(имзо)

М.Х.

Ҳуқуқшунос

Х.Турғунов

